



**Ilmiy amaliy  
jurnal  
№ 1 (03)  
2026**

**YANGI  
O'ZBEKISTON  
IQTISODIYOTI**

**“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali 1-son 2026 yil***

---

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLY TA‘LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI  
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

**YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI**

**1**

**ISBN 978-9943-5256-3-4**

**Toshkent – 2026**

MUNDARIJA

<b>Tursunov A.M.</b> O‘zbekiston elektroenergetikasini rivojlantirishda innovatsion texnologiyalar va “Yashil” energetikaning o‘rni.....	7
<b>Abdulazizov A.A.</b> Raqamlashtirish sharoitida energetika sanoati korxonalarining barqaror rivojlanish omillari.....	11
<b>Jurayev D.A.</b> Электротехника sanoati korxonalarida ishlab chiqarish jarayoniga taъsir etuvchi omillar.....	15
<b>Suyarov Sh.S.</b> Konchilik sanoati korxonalarida resurs salohiyatidan samarali foydalanish.....	18
<b>Кариева Л.С.</b> Энергетика sanoati korxonalarining ishlab chiqarish samaradorligini oshirish yo‘llari.....	21
<b>Axtamov A.U.</b> Aksionerlik jamiyatlarida korporativ boshqaruvning moliyaviy samaradorlikka ta’siri xususida.....	25
<b>Гафуров А.Б.</b> Значение цифровой трансформации управления образованием в высших учебных заведениях.....	29
<b>Абиткариев А.М.</b> Значение развития человеческого капитала и стимулирования трудовой деятельности.....	33
<b>Abdullayev D.G’.</b> Intellektual kapital: tushunchasi, mazmuni va taraqqiyoti.....	37
<b>Abdullayev M.G’.</b> Xodimlarning professional rivojlanishini baholash usullari.....	42
<b>Isakov A.Y.</b> Tadbirkorlik sub’yektlarida raqobat ustunliklarini shakllantirishning asosiy omillari.....	46
<b>Ashurova G.N.</b> Charm poyabzal sanoatining xom-ashyo ishlab chiqarish va uning zahira resurslari.....	52
<b>Yo‘ldosheva M.F.</b> O‘zbekistonda davlat budjeti daromad va xarajatlarining tarkibi va ularning statistik tahlili.....	56
<b>Қулматов А.А.</b> Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlikni mintaqalarda qo‘llab-quvvatlash mexanizmlari.....	61
<b>Babayev A.N.</b> Yoshlar bandligini ta’minlashni boshqarishning nazariy-metodologik asoslari va institutsional mexanizmlari.....	67
<b>Sharipov H.A.</b> Oilaviy tadbirkorlikning iqtisodiy mazmuni va xo‘jalik yuritish shakli sifatidagi o‘ziga xos belgilari.....	71
<b>Турдиева Я.</b> Анализ коррупционных рисков в системе гчп в сфере дошкольного образования.....	75
<b>Vaxidov A.K.</b> Personalni tanlash va ishga yollashning xorijiy tajribalari.....	78
<b>Gaymatova D.G’.</b> Biznes faoliyatini samaradorligini oshirishda iqtisodiy-matematik tahlil.....	83
<b>Pardayev E.E.</b> Xizmat ko‘rsatish jarayonlarini boshqarishda raqamli texnologiyalarning iqtisodiy samaradorligi.....	87
<b>Ibragimova S.A., Muradov Sh.D.</b> Aksiyadorlik jamiyatlari boshqaruvida innovatsion usullarni joriy etishning zamonaviy tendensiyalari.....	91
<b>Адилов Б.Б.</b> Социальные услуги в Республике Узбекистан: современное состояние, проблемы и перспективы развития.....	96
<b>Yoqubova Z.T.</b> Tarkibiy o‘zgarishlar va iqtisodiy o‘sish o‘rtasidagi mutanosiblikni ta’minlashning konseptual asoslari.....	101
<b>Saidaxmedova N.I., Aripov A.S.</b> Oliy ta’lim tashkilotlari boshqaruv tizimini shakllantirishda iqtisodiy nazariyalarning metodologik ahamiyati.....	106
<b>Abduvovyeva X.Sh.</b> O‘zbekistonda davlat ijtimoiy xarajatlarining aholi farovonligiga ta’sirining korrelyatsion–regression tahlili.....	111
<b>Умаров А.А.</b> Хорижий тажрибаларга асосан янги банк хизматларини жорий этилишини ривожлантириш натижасида тижорат банкларини хизматлар жозибadorligini oshirish...	116
<b>Shoraximova Z.N.</b> «O‘zbekistonda sug‘urta kompaniyalarida qayta sug‘urta orqali risklarni diversifikatsiya qilish samaradorligini baholash».....	120
<b>Умурзакова З.С.</b> Меҳнат омилидан фойдаланишни такомиллаштириш yo‘llari.....	126
<b>Karimov X.O.</b> Kichik biznes va tadbirkorlikni rivojlantirish orqali aholi daromadlarini oshirishning institutsional strategiyalari.....	130

<b>Aхунов М.А.</b> Корхона иқтисодий самарадорлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари.	134
<b>Аҳмаджонов С.С.</b> Корхона асосий фондларидан фойдаланишни яхшилашнинг ижтимоий-иқтисодий самараси.....	138
<b>Abdullayeva Sh.А.</b> Veb-texnologiyaga asoslangan bir turdagi tovar zaxiralari boshqarish va amaliy masalalarni optimallashtirish.....	142
<b>Дусанов С.М.</b> Таълим тизимида рақобат муҳитини ривожлантиришнинг молиявий ресурслардан фойдаланиш аҳамияти.....	146
<b>Мамаражобов А.С.</b> Tadbirkorlik subyektlarining tashqi savdo faoliyati natijalarini reytinglash va undan foydalanish masalalari.....	151
<b>Nigmatova D.Z., Amanov E.G’.</b> Kadrlar qo‘nimsizligining korxonalar samaradorligiga ta’siri.....	157
<b>Ikromjonova M.U.</b> To‘qimachilik korxonalarida mahsulot tannarxini kalkulyatsiya qilishning iqtisodiy mohiyati va tarkibi.....	160
<b>Madaminjonov A.O.</b> To‘qimachilik korxonalarida tayyor mahsulotlar ishlab chiqarish va sotish hisobini rivojlantirishning iqtisodiy jihatlari.....	164
<b>Jamoliddinova S.S.</b> Ustama xarajatlarning iqtisodiy mohiyati, tarkibi va ishlab chiqarish tannarxini shakllantirishdagi o‘rni.....	168
<b>Akbaraliyev A.E.</b> O‘zbekiston Respublikasida investitsiya siyosati va investitsiya dasturlarining iqtisodiy rivojlanishdagi o‘rni.....	173
<b>Эрматова С.И.</b> Учет обязательств в хозяйствующих субъектах.....	178
<b>Maxsudov Sh.S.</b> To‘qimachilik sanoati korxonalar faoliyati samaradorlikni monitoring qilishning ahamiyati.....	181
<b>Boyev X.I., Adilov B.B.</b> Mahalliy byudjetlar barqarorligi — ijtimoiy himoya tizimini mustahkamlash omili sifatida.....	186
<b>Raxmonova N.A.</b> Biznes ta’limida raqamli transformatsiya va innovatsion o‘qitish strategiyalari.....	190
<b>Якубова Д.М.</b> Применение экономико-математических моделей в промышленном производстве.....	194
<b>Ibrohimov N.B., Jabbarov K.Y.</b> Aylanma iqtisodiyotga o‘tishning fundamental asoslari: chiziqli modelning cheklovlari va barqaror rivojlanish imkoniyatlari.....	198
<b>Matyoqubova D.O.</b> Biznes tuzilmalarining innovatsion rivojlanishini diversifikatsiya qilish.....	202
<b>Rahmatullayeva F.</b> Andijon viloyatida yoshlar tadbirkorligi rivojlanishining tarmoqlararo diversifikatsiyasi va iqtisodiy faollikka ta’siri.....	206
<b>Mamajonov L.A.</b> Mahalliy byudjet daromadlarining barqarorligini ta’minlash yo‘nalishlari.....	209
<b>Давруков Ф.У.</b> Инновационные механизмы демонополизации в условиях цифровой трансформации экономики Республики Узбекистан.....	213
<b>Убайдуллаева Н.Р.</b> Роль перестрахования в управлении катастрофическими рисками и обеспечении финансовой устойчивости страховых компаний.....	222
<b>Abdullayev A.A.</b> Tijorat banklari orqali kichik biznesni moliyalashtirish samaradorligini oshirish mexanizmlari.....	227
<b>Alimov O.N.</b> O‘zbekiston Respublikasida jamg‘arib boriladigan pensiya ta’minoti tizimining huquqiy asoslari va rivojlanish istiqbollari.....	230
<b>Sultonov B.M.</b> Oilaviy korxonalar faoliyatini boshqarishda va boshqaruv mexanizmi bo‘yicha institutsional asoslari.....	235
<b>Mamajonova N.A.</b> Innovatsion rivojlanish sharoitida iqtisodiy tizimlarni boshqarish nazariyalarining transformatsiyasi hamda uning evolyutsiyasi.....	239
<b>Sanaqulova A.</b> O‘zbekistonda yashil iqtisodiyotga o‘tish: muammolar va imkoniyatlar.....	243
<b>Nazarov N.N.</b> Hududiy barqaror rivojlantirish strategiyasini shakllantirishning metodologik asoslarini takomillashtirish.....	247
<b>Toshpulatov A.M.</b> Qurilish materiallari sanoati korxonalarida ishlab chiqarish hajminiga oid qarashlar va uning mohiyati.....	251
<b>Sanaqulova A., Ochilova M.</b> Bugungi kunda raqamli iqtisodiyot.....	254
<b>Umarov I.Y.</b> Xalqaro darajada sifat menejmenti va ISO standartlarini rivojlanish tendensiyalari tahlili....	257

МЕҲНАТ ОМИЛИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ  
ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ТРУДОВОГО ФАКТОРА  
WAYS TO IMPROVE THE USE OF THE LABOR FACTOR

Умурзакова Замира Салижановна

Андижон давлат техника институти “Иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси, доцент

**Аннотация**

Ушбу мақолада меҳнат омилидан самарали фойдаланишнинг назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ этилган. Меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда инсон капиталини ривожлантириш масалалари таҳлил қилинган. Шунингдек, меҳнат бозоридаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, ходимлар малакасини ошириш, замонавий бошқарув усуллари жорий этиш орқали меҳнат омилидан фойдаланишни такомиллаштириш йўллари тақлиф этилган.

**Калит сўзлар:** Меҳнат омили, меҳнат ресурслари, меҳнат бозори, меҳнат унумдорлиги, инсон капитали, кадрлар бошқаруви.

В данной работе рассматриваются теоретические и практические аспекты эффективного использования трудового фактора в условиях современной экономики. Проанализированы основные проблемы занятости, производительности труда и управления человеческими ресурсами. Также предложены пути совершенствования использования трудового потенциала на основе повышения квалификации работников, внедрения инновационных методов управления и создания благоприятных условий труда.

**Ключевые слова:** Трудовой фактор, рынок труда, занятость, производительность труда, человеческий капитал, управление персоналом.

This paper examines the theoretical and practical aspects of effective use of the labor factor in the modern economy. The main issues related to employment, labor productivity, and human resource management are analyzed. The study also proposes ways to improve the utilization of labor potential through workforce training, implementation of innovative management methods, and the creation of favorable working conditions.

**Keywords:** Labor factor, labor market, employment, labor productivity, human capital, human resource management.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтиши, шунингдек, олдимиздаги қатор ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш меҳнат омилидан самарали фойдаланишни талаб қилади. Бу эса шахсларнинг манфаатлари, яшаш тарзи, тараққиёти ва истиқболи билан чамбарчас боғлиқ. Республикамизда мавжуд меҳнат омилидан оқилона, талаб ва эҳтиёжга қараб фойдаланиш бозор иқтисодиётига ўтилаётган ҳозирги даврда, умуман, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосини ташкил қилади. Шунинг учун мавжуд меҳнат ресурсларини такрор ҳосил қилиш ва улардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳар томонлама ўрганиш керак.

Иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт даражаси билан белгиланувчи мазкур омил, ўз навбатида, уни ривожлантириш ва тараққий эттиришда ҳал қилувчи асос ҳисобланади. Жамиятнинг меҳнат омилини кучайтириш, ундан самарали фойдаланиш муаммолари бозор муносабатлари даврида бирмунча мураккаблашади ва уларнинг ечимини топиш иқтисодчи олимлар олдида турган энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси»да мамлакатнинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлашда инсон капитали ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу стратегияда меҳнат омили иқтисодий ўсишнинг асосий манбаларидан бири сифатида қаралиб, аҳоли бандлигини ошириш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда ишсизлик даражасини камайтириш устувор вазифалар қаторига киритилган. Стратегияда меҳнат бозорини ривожлантириш, меҳнат ресурсларини иқтисодиёт тармоқлари бўйича оқилона тақсимлаш ва норасмий бандликни қисқартириш орқали меҳнат омилларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, ёшлар ва хотин-қизларни меҳнат фаолиятига кенг жалб этиш, улар учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш муҳим вазифа сифатида белгиланган[1].

Хужжатда меҳнат ресурсларининг сифат кўрсаткичларини яхшилаш, яъни касбий таълимни ривожлантириш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимини такомиллаштиришга ҳам катта аҳамият берилган. Меҳнат бозори талабига мос кадрлар тайёрлаш орқали ишчи кучининг рақобатбардошлигини ошириш ва меҳнат унумдорлигини юксалтириш стратегиянинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга, ишлаб чиқаришда замонавий технологияларни жорий этиш, меҳнатни ташкил этишнинг илғор усуллари қўллаш ва ишчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш орқали меҳнат унумдорлигини ошириш масалалари ҳам тараққиёт стратегиясида ўз ифодасини топган. Бу эса меҳнат омилларидан самарали фойдаланиш орқали иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилади.

Бугунги кунда республикада инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш учун қуйидаги тамойилларга асосланиш зарур:

- инсон ресурсларини бошқаришни тўғри йўлга қўйиш ва бошқарув таркибини такомиллаштириш;

- ижтимоий йўналтирилган иш билан бандликни вужудга келтириш (қишлоқ хўжалигидаги ортиқча инсон ресурсларини иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига, саноатга ва хизмат кўрсатиш соҳаларига йўналтириш);

- инсон ресурсларининг сифат жиҳатларини – касбий тайёргарлиги, маълумоти, малакасини ошириш; вилоятларда, ҳудудларда инсон ресурсларининг сифат жиҳатларини оширишга қаратилган махсус дастурлар ишлаб чиқиш.[2]

Мамлакат меҳнат омилидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг энг биринчи йўли бўлиб қонунчилик базасини мустаҳкамлаш, меъёрий-ҳуқуқий хужжатларни такомиллаштириш ва уларни амалий ҳаётга татбиқ этиш ҳисобланади. Чунки бугунги кунда мамлакатимизда амал қилаётган баъзи бир меъёрий хужжатлар қайта кўриб чиқиш, тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритишни талаб қилади:

Биринчидан, меҳнатга лаёқатлилик ёш чегарасини ўзгартириш керак. Яъни, меҳнатга лаёқатлилик ёшини 16 ёш эмас, балки 18 ёш қилиб белгилаш мақсадга мувофиқдир. Чунки таълимга оид миллий қонунчиликка кўра ёшлар ўрта мактабларни (9-синфни) 16 ёшда (энг камида эса 15 ёшда) битириб чиққанларидан сўнг академик лицей ёки касб-хунар коллежларида ўқишни давом эттирадилар ҳамда 19 ёшда (энг камида эса 18 ёшда) мазкур даргоҳларни тамомлайдилар. Демак, ёшлар камида 18 ёшда (асосан 19 ёшда) меҳнат бозорида илк бора ишчи кучи сифатида намоён бўлишлари мумкин. Бу ҳолат эса жамиятда иқтисодий нофаоллик даражасининг табиий (мажбурий) тарзда ошиб боришини келтириб чиқаради. Булардан ташқари фуқароларга тўла ҳуқуқий лаёқатлилик ҳам, ҳарбий хизмат мажбурияти ҳам улар 18 ёшга тўлгандагина берилади.

Иккинчидан, таълим ислохотларининг амалга оширилиши натижасида аҳолининг меҳнат бозорига чиқиши камида 3 йилга кечикишини инобатга олиб ҳамда мамлакатимизда турмуш даражасининг яхшиланиши натижасида аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги ошиб бораётганлиги ва бугунги кунда бу кўрсаткич 72,9 ни ташкил этаётганлигини эътиборда тутиб, республикада аҳоли меҳнатга қобилиятли ёшининг юқори чегарасини ўзгартириш мақсадга мувофиқдир.

Аҳолининг иш билан бандлигини ошириш чора-тадбирлари сифатида янги иш ўринлари яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки иш ўрни ҳар қандай ишлаб чиқариш ва меҳнат жараёнининг биринчи бўғини бўлиб, айнан унда ишлаб чиқариш жараёни элементларининг барчаси яхлитлашади ҳамда янги истеъмол қийматлари, меҳнат маҳсулотлари яратилади. Бироқ бунда яратилаётган иш ўринларининг турғунлик (стационар) хусусияти устуворликка эга бўлиши керак. Бунинг учун эса:

- юқори меҳнат сиғимига эга бўлган ишлаб чиқариш тармоқлари (қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, пахтани қайта ишлаш, енгил саноат, озиқ-овқат саноати, машинасозлик ва автомобилсозлик) ривожига алоҳида эътибор қаратиш;
- кам рентабелли ва зарар кўриш ишлаётган ишлаб чиқариш корхоналарини реконструкция қилиш ва модернизациялаш ҳисобига уларнинг тўла қувватда ишлашларини таъминлаш;
- чет эл инвестицияларини жалб этиш йўли билан янги ишлаб чиқариш ва саноат корхоналарини барпо этиш талаб этилади.
- Мамлакатимизда аҳолининг меҳнатда бандлигини ошириш, ишсизларни иш билан таъминлаш ва иқтисодий нофаол аҳолини фаоллар таркибига кўшишда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг ўрни беқиёсдир. Шу боис ушбу соҳа ривожига катта эътибор қаратган ҳолда, тадбиркорлик субъектларига кўшимча имтиёз ва кафолатлар тизимини жорий этиш керак.

Иш билан бандликнинг ноанъанавий шакллари – уй меҳнати, оилавий бизнес, касаначилик, хизмат кўрсатиш ва қорамолчилик каби фаолият турлари билан шуғулланиш ҳамда ўз-ўзини иш билан таъминлашни рағбатлантириш мавжуд меҳнат потенциалидан (айниқса қишлоқ жойларда) фойдаланишнинг асосий йўллари билан биридир.[3]

Бунда ушбу фаолиятни амалга ошириш учун имтиёзли ипотека, истеъмол ва микрокредитлар билан таъминлаш, лизинг хизматини жорий этиш, солиқ ва тўловлардан озод қилиш каби чораларни кўриш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, касаначилик меҳнатини янада ривожлантириш ва ҳудудий дастурлар ижросини таъминлаш мақсадида маҳаллий ҳокимликлар қуйидаги чора-тадбирларни кўришлари талаб этилади:

- касаначилик меҳнатини ривожлантириш бўйича ишчи комиссиялар ишини такомиллаштириш ва мунтазам мониторинг олиб бориш;
- касаначиларга корхоналар томонидан асбоб-ускуналар, ишлаб чиқариш воситалари ва хом ашёлар етказиб берилишини назоратга олиш;
- корхоналар билан меҳнат шартномаси асосида фаолият юритаётган касаначилар томонидан маҳсулот ишлаб чиқарилиши ва уларга иш ҳақи берилишига алоҳида эътибор қаратиш;
- маҳсус технологик жараёнларни талаб этадиган корхоналарда касаначиликнинг янги ва ноанъанавий кўринишларини жорий этиш, корхоналарнинг асосий фаолият турлари бўйича эмас, балки кўшимча фаолият турларида касаначиларни жалб этиш;
- меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлаша олмайдиган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни (ёш болалари оналар, хотин-қизлар, уйда ишлаш имкони бўлган ногиронлар, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинганлар ва б.) касаначилик меҳнатиغا кенг жалб қилиш.

Маълумки ишсизларни меҳнатга жалб этишнинг асосий мотиви бўлиб иш ҳақи ва моддий рағбатлантириш ҳисобланади. Бошқача айтганда, меҳнат потенциалидан самарали фойдаланишнинг асосий йўллари билан бири бу – меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва унинг реал миқдорининг ўсишига эришишдир. Бунинг учун эса қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

Биринчидан, меҳнатга ҳақ тўлашнинг тармоқ тизими босқичма-босқич ўтиш, яъни ҳар бир тармоқнинг ўз тариф тизими ишлаб чиқилиши ва бунда уларнинг ўзига хос жиҳат ва хусусиятларини инобатга олиш даркор.

Иккинчидан, иқтисодиётнинг моддий тармоқларида ходимлар иш ҳақини оширишни қуйидагилар натижасида тежалган маблағлар ҳисобига амалга ошириш:

- корхоналарда самарасиз технологиялар ўрнига янгиларини ўрнатиш, қайта қуроллантириш ва йўқотишларнинг олдини олиш ҳисобига ишлаб чиқаришнинг ресурс сифимини камайтириш;

- корхоналарда меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш, мавжуд моддий ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш;

- маҳсулот таннархида солиқлар ва мажбурий тўловларнинг улушини қисқартириб бориш.

Юқорида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш ва улар доирасида тегишли вазифаларни кўзда тутиш, ўйлаймизки, яқин келажакда ўзининг ижобий самарасини беради.

Статистик маълумотларга кўра, 2025 йил январь ҳолатига кўра Ўзбекистон иқтисодиётида тахминан 14.6 миллион киши банд эканлиги маълум қилинган. Шу билан бирга 800 мингдан ортиқ ишсизлар борлиги қайд этилди. Ўзбекистонда меҳнат ресурсларига ҳар йили яна 500 мингга яқин янги ишчи қўшилиши кузатилади, бу меҳнат бозорида босимни кучайтирмоқда.

Таклифлар:

- Иш билан таъминлаш хизматларини модернизация қилиш — Бандлик марказлари фаолиятини рақамлилаштириб, вакансиялар ва талабни тез мувофиқлаштирувчи платформалар яратиш.

- Касбий таълим ва қайта тайёрлаш дастурлари — янги иш ўринлари учун талабга мос соҳаларда (IT, сервис, саноат) курслар.

- Университет ва касб коллежлари билан ишлаб чиқариш ўртасида ҳамкорлик (стажировка, apprenticeship) тизимларини жорий этиш.

- Янги ишчи малака йўналишларини ишлаб чиқиб, меҳнат бозори эҳтиёжларига мувофиқлаштириш.

- Мигрантлар учун шарт-шароитларни яхшилаш — лицензияланган агентликлар орқали илгари жойлаштириш.

- Хориждан қайтган мутахассисларни иқтисодий фаолиятга жалб қилиш учун солиқ имтиёзлари ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш.

- Меҳнат миграцияси бўйича янги шартнома ва имкониятлар яратиш, чет эллардаги иш шартларини мониторинг қилиш.

- Иш жойларида меҳнат шароитларини яхшилаш орқали ишчиларнинг унумдорлиги ва мотивациясини ошириш.

- Иш жойларини рақобатбардош меҳнат шароитлари билан таъминлаш – иш вақти, дам олиш, соғлиқни сақлаш хизматлари.

- Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизликни кучайтириш орқали ишчи кучининг узлуксизлигини таъминлаш.

- Шаффоф меҳнат визалари ва лицензиялар тизимини жорий этиш, шу билан норасмий бозорни камайтириш.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январьдаги «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси»ги ПФ-60-сонли Фармони.
2. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. — Тошкент: «Иқтисод-Молия», 2021.
3. Холмўминов Ш.Р. Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш масалалари. — Тошкент, 2020.